



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 24-mart • Chorshanba • 37 (30.157) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!  
Азиз дўстлар, муҳтарам меҳмонлар!  
Биз орзиқиб кутадиган, баҳор, яшариш ва янгила-  
ниш рамзи — Наврўзи олам қутлуг қадами билан  
ўлкамизга кириб келмоқда.

Мана шу улғу айём билан сиз азизларни, бутун  
халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга  
ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилаклар-  
римни изҳор этаман.

Хурматли юртдошлар!  
Наврўз барчамиз учун азал-азалдан аввало табиат  
уйғониши, шарқона янги йил дебوحаси, маънавияти-  
мизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий,  
асл миллий байрам сифатида азиз ва мўътабардир.

Ҳақиқатан ҳам, бу дилбар фаслда офтоб чарақлаб,  
еру кўкни қиздириши билан биз ҳам ўзимизни худ-  
дики янгитдан тугилгандек ҳис қиламиз, қалблари-  
миз, юракларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужу-  
димизда янги куч-ғайрат жўш ургандек бўлади.

Айни шу мунаввар кунларда инсон табиатдан баҳ-  
ра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби  
баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофи-  
да Наврўз қувончини ўз яқинлари, дўсту биродарла-  
ри билан баҳам кўришга интилади.

Айни шу гўзал паллада бетакрор Ватанимизнинг  
барча гўшаларида — Фарғона водийсидан Сурхон тоғ-  
лариғача, Қорақалпоқ диебидан Самарқанд боғлари-  
ғача, Тошкент воҳасининг ям-яшил қир-адирлари-  
ғача — халқимиз, кексаю ёш юртдошларимиз табиат  
билан уйғун бўлиб, сайил-томошалар ўтказиб, Нав-  
рўзни катта хурсандчилик билан кутиб олмақда.

Саховатли заминимизда яшайдиган барча-барча ин-  
сонлар, қайси миллат, қайси элат вакили бўлишидан  
қатъи назар, бу ажойиб байрамни ягона оила бўлиб,  
шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Айни шу дамларда халқимизга мансуб бўлган бағ-  
рикенглик ва меҳрибонлик, кексаларнинг дуосини  
олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтож ва  
кўнгли ярим одамларга беминнат ёрдам бериш каби  
юксак фазилатлар яна ва яна бир бор ўзининг тасди-  
ғини топилади.

Бу буюк ва бетакрор айёмнинг яна бир ноёб ҳис-  
лати шундаки, баҳор келиши, гул-чечаклар очилиши  
билан ҳар қайси инсон ўз оила аъзолари, қадронла-  
рини бағрига босиб, нафақат таниш, балки нотаниш  
одамларни ҳам қутлаб, соғлик-омонлик, бахт ва омад  
тилайди, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, аҳил-  
лик тобора мустаҳкамланиб боришини, осмонимиз  
ҳамиша мусоффо бўлишини истайди.

Неча минг йиллик тарихдан маълумки, Наврўз фас-  
лида турли низо ва адоватлар унутилади, одамлар  
ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжи-  
ҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ри-  
вожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бир-  
лашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу  
айёмни Халқаро Наврўз кунини деб тан олгани албатта  
бежиз эмас ва бу барчамизга катта гурур ва ифтихор  
бағишлайди.

Қадрли дўстлар!  
Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво  
кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга  
ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бутунги тантанамизда иш-  
тирок эътаётган, бизга яхши ният ва хайрихоҳлик билан  
қарайдиган, мамлакатимиз тараққиёти учун катта қўмак  
бераётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчилари-  
га, чет эл ваколатхоналари вакиллари, узоқ-яқиндаги  
дўсту ҳамкорларимизга самимий миннатдорчилик бил-  
дириб, уларни чин дилдан қутлашга рухсат этгайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!  
Кўкларнинг беғубор нафаси уфуриб турган, деҳқон-  
ларимиз янги орзу-умидлар билан ерга уруғ қадаётган  
шу қутлуг паллада барчангизни бағримга босиб, Наврўз  
байрами билан яна бир бор муборақбод этаман.

Шу гўзал майдонга файз бериб ўтирган муҳтарам  
фахрийларимизга, мунис опа-сингилларимизга, чеҳ-  
расида хуш қайфият, куч-ғайрат порлаб турган ёшлар-  
имизга, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг чуқ-  
қур хуррамим ва самимий тилакларимни билдириш-  
дан бахтиёрман.

Илоҳим, мана шундай хурсандчилик билан бош-  
ланаётган Янги йилимиз Ватанимизга тинчлик, бах-  
ту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин!  
Ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз билаңд бўлсин!  
Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!  
Наврўзи олам барчамизга муборақ бўлсин!



## ЭЗГУЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида  
бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Қиш уйқусидан кўз  
очган она табиат янги  
кунга юз тугди. Димоққа  
дилни орзиқтирадиган  
ифро — баҳор нафаси  
урилади. Кўклар шабадаси  
уйғотган сабзалар нафис  
гиламдек кўзни қувнатди.  
Бодроқдек гуллардан ўрик  
шоҳларида, қоқигуллар-  
нинг хушбичим гўнчалар-  
ида кўклар суврати  
намоён. Насимлар оғуши-  
да жажжи болакайлар  
зумрад майсалар орасидан  
чучумаларни тиради.  
Мусоффо осмон бағрида  
чарх уриб учайётган қадир-  
ғочлар қўшиги юракларда  
ажиб ҳислар уйғотади.

Борликдаги уйғониш, яшариш  
ва янгилашни юртимизга боқий  
байрам, меҳру оқибат, кут-бара-  
ка рамзи — Наврўзи олам кириб  
келганидан мужда беради.

Одамлар қалбига чексиз қувонч  
билан эътибор билан Наврўз неча минг  
йиллардан буюн халқимиз асраб-  
авайлаб, эъозлаб келаётган  
гўзал қадриятларимиздан...

23 март. Алишер Навоий но-  
мидаги Ўзбекистон Миллий боғи  
байрамада безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, де-  
путатлар ва сенаторлар, фан, ма-  
даният, санъат, спорт намоёнла-  
ри, ишлаб чиқариш илгорла-  
ри, тадбиркорлар, муҳтарам ота-  
хону онахонлар, турли соҳалар-  
да меҳнат қилаётган юртдошлар-  
имиз, мамлакатимизда фаолият  
кўрсатаётган хорижий давлат-  
лар элчихоналари ва халқаро  
ташкилотлар ваколатхоналари-  
нинг вакиллари таширф буюрган.

Соат 11.00. Майдонга Ўзбеки-  
стон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир  
бўлганлар давлатимиз раҳбари-  
ни қарсақлар билан кутиб ола-  
дилар.

Чорлов мусикаси янграйди.  
Сўз Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислом Каримовга  
берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимиз-  
ни Наврўз байрами билан мубо-  
рақбод этади.

Муаззам майдоннинг атрофи-  
да анвойи ранглардаги байроқ-  
чалар хиллирайди. Саҳна тегра-  
сида ўрнатилган турфа гуллар  
жонланиб, кўёшнинг заррин нур-  
ларида жилоланади. Бундай  
файзли манзаралар кўнгилар-  
га хузур бахш этади.

Шундай фарахбахш дамлар-  
да она табиатда рўй бераётган  
яшариш, янгилашниларни қал-

бидан ўтказайтган ҳамюртла-  
римизнинг кўнглида шодлик,  
яна бир Наврўзга, гўзал ҳаёт-  
нинг бебаҳо неъматларига  
эсон-омон етганимиз, элу юр-  
тимиз тинчлиги ва фаровонли-  
ги учун шукроналик туйғулари  
жўш ураёттир.

Фусункор майдон узра борлик  
уйғониши, Янги кунни мадҳ эту-  
чи наво таралади. Саррин куй  
оғушида кўз ўнгимизда баҳор-  
нинг ажиб манзаралари, ям-яшил  
қир-адирлар, гулларга бурканган  
водийлар, чаппар уриб гуллаган  
боғлар намоён бўлади.

...Саҳнага жажжи болакайлар  
кириб келади, майдон уларнинг  
шўх-шодон кулгуларига тўлади.  
Фарзандларимиз ижросидаги  
кўкларни, бахтиёр болаликни,  
мустақил юрт фарзандларининг  
беғубор ва қувноқ дамларини  
мадҳ этувчи жарангдор куй-  
қўшиқлар, жозибдор рақслар

шодиёна аҳлини завқлантириб  
юборади...

Наврўз — баркамоллик, навқи-  
ронлик ва гўзаллик фасли. Жо-  
рий йилнинг Президентимиз то-  
монидан Баркамол авлод йили  
деб эълон қилиниши навқирон  
авлодга беқиёс шодлик, гурур ва  
ифтихор бағишлади.

Халқимиз азал-азалдан фар-  
зандлар бахту иқболини кўлаб,  
эзгу орзулар билан яшайди. Айни  
Наврўз кунларида фарзандлари-  
га атаб, уларнинг бахтли ва фар-  
ровон келажагини ўйлаб ниҳол  
экиб, бог яратади. Ҳар қандай  
йилнинг хосияти баҳорнинг илк  
лаҳзаларидан маълум бўлгани-  
дек, биз буюк келажагимизни ав-  
валамбор ҳар жиҳатдан тўқис, ко-  
мил ва баркамол авлод тимсо-  
лида кўраимиз.

2-бет >>>



## Олтинсойликларнинг байрам сайили


Помир-Ҳисор тоғ тизмала-  
ри этагида жойлашган Олтин-  
сой туманида ҳам Наврўз ай-  
ёми шоду хуррамлик билан  
кутиб олинди. Кўёш тоғ ор-  
тидан бўйлаши биланок сайил-  
гоҳга одамлар оқиб келавер-  
ди. Атласу шойи либослар  
кийиб, сочларини қирқоқил  
қилиб ўрган сулувлар, Алп-  
қомат йиғитлар, нуруний ота-  
хону онахонлардан тортиб ёш-  
яланларгача тантанана ошиқ-  
ди. Карнай-сурнай, чилдирма,  
чанқовуз оҳанглари оламини  
тутди. Маҳоратли пазандалар,  
ошпазлар дошқозонларда су-  
малак, ҳолвайтар каби тансиқ

миллий таомлар тайёрлаб  
сайилчиларга улашди. Урчуқ  
ўрган қайвони момолар кўла-  
рини дуога очиб, Яратганга  
кишдан эсон-омон чиқиб,  
кўламоёйга етказганига, юрт  
ва юртдошларимизга тинчлик,  
фаровонлик, файз-барака  
берганига шукрона айтишди.  
Созандалар созларини минг  
наъмага солиб чалди. Чилди-  
рмалар гуруллади. Бахшилар  
дўмбираларини булбулддек  
сайратиб жўшиб-жўшиб, баъ-  
зан ўзидан ҳам қўшиб бахши-  
ёна дoston, терма-ўланлар  
ижро этди. Дорбозлар, мас-  
ҳарабозлар чикишлари бай-

рамга ўзгача завқ улашди.  
Бахру байт айтишу, халқона  
уйинлардан завқланмаган  
киши қолмади.  
Кураш, кўпқари ҳаммасидан  
бошқача бўлди. Алп-қомат  
полвонлар беллашуви, қора-  
байир, турк отлар тўёқлари,  
чавандоз ва томошабинлар  
хайриқилларидан Олтинсой-  
Қарлик кенг яйловлари зирил-  
лади. Болалар қувончини айт-  
майсизми, чиллик, зувуллатар,  
кўчмак, бекинмачок, боблак-  
такан сингари уйинлар уйнал-  
ди.  
Халқимиз руҳиятига синган  
қадриятлар, урф-одатлар

тўқис адо этилди. Наврўз шо-  
диёнаси мусобақаларида  
ғолиб чиққанларга қиммат-  
баҳо совғалар топширилди.  
Ғолибларга мукофотлар топ-  
ширилаётган пайтда, бир  
отлик даврани ёриб ўтиб, ол-  
дига ўнгариб олган катта се-  
миз кўйни бақовулга тутди:  
— Менинг арзимас сов-  
гамни ғолиблардан бирига  
беринг ва элу улусдан менга  
дуо олиб беринг, — деди.  
Олтинсойда Наврўз байра-  
ми чинакам халқ сайилига ай-  
ланди.

Абди ПАРДАЕВ,  
Сурхондарё вилояти.



Дунё бўйлаб	
Лондон	14°С
Париж	18°С
Москва	0°С
Мадрид	19°С
Пекин	14°С
Гонгконг	29°С
Рим	19°С
Анкара	15°С
Токио	17°С
Стокгольм	2°С
Кейптаун	32°С
Қоҳира	29°С
Гавана	31°С
Вашингтон	14°С
Нью Йорк	13°С

24 март об-ҳавоси	
Тошкент	20°С
Самарқанд	20°С
Нукус	15°С
Қарши	22°С
Урганч	16°С
Навоий	18°С
Фарғона	18°С
Бухоро	20°С
Андижон	18°С
Наманган	18°С
Термиз	23°С
Жиззах	20°С
Сирдарё	20°С
Тошкент вил.	20°С

Юртимизда	
Тошкент	20°С
Самарқанд	20°С
Нукус	15°С
Қарши	22°С
Урганч	16°С
Навоий	18°С
Фарғона	18°С
Бухоро	20°С
Андижон	18°С
Наманган	18°С
Термиз	23°С
Жиззах	20°С
Сирдарё	20°С
Тошкент вил.	20°С

O'zbekiston  
havo  
yo'llari

TOSHKENT  
XALQARO  
AEROPORTI

Хизматлар  
лицензияланган



Наврўз тухфаси

Касбидаги янги уйлар пишиқ, кўркам ва жуда шинам



«Уй-жой объектлари қурилиши бўйича 22 та намунавий лойиҳа, ижтимоий объектлар қурилиши бўйича 16 та лойиҳа, комплекс қурилишлар бўйича намунавий режалар ишлаб чиқилди ва бу лойиҳалар республика ва минтақавий кўргазмаларда кенг муҳокама этилгандан кейин тасдиқланди».

Бу фикрни Президентимиз Вазирилар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда айтган эди. Шунингдек, у «Қишлоқ қурилиш инвест» буюртмачи компанияси ташкил этилиб, мамлакатимиз бўйича 42 та массивда янги уй-жойлар қурилиши бошлаб юборилганини таъкидлаганди...

Унинг эни 7 метр. Йўл четига 279 та лоток-ариқлар, арча ва бошқа дарактлар ўтказдик. Кўчаларга ҳам асфальт ётқизаяпти. Бир гуруҳ қурувчилар уйларнинг ташқарисига сув ўлчагичи ўрнатиб, қурувларга улапти. Ичимлик суви уйларга пластмасса қувурлар орқали ўтказилапти. Қувур ва сувўлчагичлар мамлакатимиздаги корхоналарда ишлаб чиқарилган. Бу юмушларни шартнома бўйича «Қамашисервисқурилиш» хусусий корхонаси зиммасига олган.

Хонадонларга ичимлик суви узатадиган қувурларга пухта улаштириш нозорат қилаётган экан. «Хар бир хонадонда сув узлуксиз бўлишини синаб, ускуналарни ишлатиб кўраямиз», — дейди у. Бу ердаги янги уй-жойларни «Очилов Нодир Қодирович» хусусий қурилиш корхонаси барпо этапти. 20 та уйнинг ҳар бири 57 миллион сўмдан экан. — Сиз сифати қандай, деб бир неча бор сўрадингиз, — дейди пудратчи ташкилот иш юритувчиси Турсун Тўраев. — Аввало бу уйларнинг лойиҳаси, қолаверса, қурувчиларимиз шу уйларда яшайдиган оилалар бизга раҳмат айтишини исташади. Фишт Косон заводидан келтирилди, пишиқ, сифати юқори. Томёгичлар, ёғоч-тахталар Тошкентдаги қурилиш фирмаларидан олиб келинган. Бир квадрат метр ёлғининг баҳоси 14 минг 600 сўм. Битта уйнинг томи эса 217 квадрат метр. Ана, ҳисобланг, биро томини ёпишга қанча харажат қилинапти. Ховлилар девор билан ўралган. Томорқага дарахт ниҳоллари экиб берилди. Дарҳақиқат, тўрт хонали уй ниҳоятда кўркам. Эшик-дераза-

лари чиройли ясалган. Алоҳида ошхона, иситиш хонаси. Болалар хонаси 2 та. Ётоқхона қарийб 16 квадрат метр. Овқатланиш хонаси алоҳида. Устунлар билан кўтарилган пешайвонга сўри қўйиш мумкин. Яна 3 та жойда намунавий лойиҳа асосида янги турар-жойлар қурилиши режалаштирилган.

Мен янги уйларнинг эгаларидан бири билан суҳбатлашдим. Суҳбат асосида билсам, у машхур пахтакор, Ўзбекистон Қаҳрамони Ғайбулла Раҳмоновнинг ўғли экан. Ғайбулла ака фарзандини улғайтириб, эл-юртга қўшди. У киши бир учрашганимизда болаларига янги уй қуриб бериш, тўйлар қилиш орзусини тўкиб солган эди.

— Ҳа, дадам раҳматлининг орзулари кўп эди, — дейди Ғолиб Раҳмонов. — Отамнинг орзуларини мен амалга ошираяман. Фермер ҳўжалиги раисиман. Ўтган йили 65 гектар ерда пахта, 40 гектар ерда галла етиштириб, режаларни ошириб уддаладик. Жами 60 миллион сўм соф фойда олдик. Янги уйлар қурила бошлаган, бирига харидор бўлди, 25 миллион сўм тўладик. Қолганига банкдан кредит ажратишди. Мен дала кезиб юрган бир деҳқон сифатида бу ғамхўрликка минг раҳмат дейман. Чунки биз томонларда ҳали бундай лойиҳадаги пишиқ, кўркам, барча қулайликларга эга уйлар деярли йўқ эди.

Ота изидан бораётган Ғолиб-жоннинг айтганлари ҳақиқат. Янги уйлар Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилди. Бу кўп-кўп оилаларга ажойиб совға бўлди.

ЮСУП УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: 1. Иш юритувчи Турсун Тўраев (чапдан биринчи) қурувчилар билан. 2. Янги уй-жой.

2010 йил — Баркамол авлод йили



Муסיқа комилликка етаклайди

Вобкент туманидаги 8-муסיқа ва санъат мактаби фаолияти ҳақида

— Худудимизда ёшлар ўртасидаги жиноятчилик кескин камайган, — дейди Чаримгарон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Назира Эргашева. — Бунда мазкур муסיқа мактабининг аҳамияти беқиёсдир. Сабаби маҳалла ёшларининг аксариятини мактаб ўзига мафтун этган. Улар бўш вақтини шу ерда ўтказишади. Шу томондан ёшларимиздан кўнгилмиз тўқ.

Узига хос тарих ва аҳамиятга эга бўлган бу масканга фидойи инсон, ЎзХДП аъзоси, туман кенгаши депутати Озод Одилроҳмон раҳбарлик қилиб келмоқда. У киши асли хоразмлик. Санъатга қизиқиши ва иштиёқи баландлиги боис Бухоро давлат педагогика институтининг муסיқа факультетини тахсил олади. Олий ўқув юртини тамомлагач, йўлланма билан айнан Вобкентга ишга келиб, шу ерда бир умрга қолди. Шу мактабнинг ташкилотчисига

айланди, атрофига энг яхши мутахассисларни йиғди. — Бу кўхна замин улуг санъаткорлар — Ўзбекистон халқ артистлари Шоҳназар Соҳибов, Саттор Ярашев каби соҳир овоз соҳибларига бешик бўлган, — дейди Озод муаллим. — Бугун уларнинг издоқлари бизда талайгина. Мактабимизни битирганларнинг аксарияти Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқишга кирибди, мамлакатимиз турли маданият муассасаларида ишламоқда.

Бу масканда ҳозир икки юздан ортиқ ёшлар муסיқа, театр ва рақс санъати сирларини пухта эгаллашапти. Нозим Жўраев, Саодат Жўраева, Зебо Одилова, Сулаймон Назаров, Қодир Жўраев, Санжар Назаров, Марҳаб Эргашева, Алишер Насруллаев, Ғиёс Нуров сингари фидойи ўқитувчилар зиммаларидаги масъулиятни дилдан ҳис этмоқда.

лар. Мактабнинг ўнлаб ўқувчилари республика кўрик-танловлари ғолиблари сифатида кўзга ташланапти. Бултур «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танловида иштирок этган Санъат Норов эстрада хонандчилиги йўналишида биринчи даражали дипломни қўлга киритди. «Янги авлод» кўрик-танловининг вилоят босқичида Вазира ва Сардор Шамсиддиновлар фортепянода куй чалишда биринчи ўринга сазовор бўлишди.

Дарвоқе, мактаб биноси яқин кунлар ичида капитал реконструкция қилинади. Янгидан 200 ўринли концерт зали қурилади. Реконструкция ишларига эса 800 миллион сўм сарфланади. Қурииб турибдики, ёш авлод қамолоти учун барча шарт-шароитлар муҳайёр. Бундай ғамхўрликка жавобан мактаб жамоаси ёш истеъодлар сафини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бунёдкорларнинг байрам тухфалари

Наврўз айёми арафасида Андижон вилоятининг шаҳару қишлоқларида янги савдо, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари ишга туширилди. Юзлаб янги иш ўрни яратилди. Маҳаллаларда гузарлар барпо бўлди.

Андижон шаҳрининг Нодирабегим номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳудудида ёзги кафе, умумий овқатланиш ошхонаси, чойхона, 2-кичик даҳада савдо дўконлари бозорча, Мустақиллик кўчасида савдо, маиший хизмат кўрсатиш маскани, 5-сон маҳалла фуқаролар йиғини гузари миллий ва замонавий меъморчилик талаблари асосида қурилиб фойдаланишга

топширилди. Бу кўпчиликка қулайлик яратиши билан бунёдкорларнинг Андижон шаҳри ободлиги, чирой очишига қўшган ҳиссалари бўлди. Пахтаобод туманида ҳам бунёдкорларнинг жонқурлиги билан бир қатор хизмат кўрсатиш масканлари ва савдо дўконлари барпо этилди. «Учкўза» маҳалла фуқаролар йиғини гузари қурилиб, 35 та янги иш

ўрни яратилди. Қўрғонтепа туманида «Фуркат» маҳалла фуқаролар йиғини гузари, «Навоий» маҳалла фуқаролар йиғини идораси янги биноси қуриб битказилди. «Савай» маҳалла фуқаролар йиғини ўраимида савдо дўконининг ишга туширилиши билан аҳолига хизмат кўрсатиш кўлами ортди. Аҳмадқили СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Илғор технология шарофати

Тола сифати яхшиланди, иш унуми ошди



Ўзбекистон пахта толаси етказиб бериш борасида дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Истеъмолчи давлатларнинг талаб ва тақлифларини инобатга олган ҳолда, жаҳон бозорига сифатли тола жўнатиш мақсадида Вазирилар Маҳкамаси «2007-2011 йилларда пахта тозалаш санъати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда 41 та корхона модернизиация ва реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Шу муносабат билан Жума пахта тозалаш заводи акциядорлик жамиятида 2009 йили кенг қамровли реконструкция ва модернизиация ишлари бажарилди. Маълумки, ушбу корхона ўтган асрнинг олтинчи йилларида иш бошлаган. Эски технология давр талабига жавоб бермай қолганди. Улар ўрнига Хитой Халқ Республикасининг «Ле-

бедь» машинасозлик компаниясида тайёрланган замонавий технологиялар ўрнатилди. Шунингдек, кенг қамровли бунёдкорлик, ободлаштириш ишлари амалга оширилди. Мутахассисларнинг эътирофи эътишча, етти ярим миллион АҚШ доллари микдоридagi бунёдкорлик ишлари бажарилиб, уч ярим миллион АҚШ доллари қийматидаги замонавий технологиялар ўрнатилган. — Бизнинг мамлакат ўзбек пахта-сининг асосий харидори саналади, — дейди Хитой Халқ Республикасининг «Лебедь» машинасозлик компанияси мутахассиси Ян Бин Шин. — Юртингизда етиштирилган пахта ўзининг санъатбонлиги, қўзилувчанлиги ва юксак сифати билан бошқа жойларда етиштирилган пахтадан ажралиб туради. Ҳозиргача компаниямиз томонидан дунёдаги 24 та давлатнинг шу турдаги корхонасига технологиялар ўрнатилган. Жума пахта тозалаш заводи мамлакатини гизда биринчи бўлиб шундай технология билан жиҳозланди. Корхонага 500 тонналик пресслаш ускунаси ўрнатилди. Эндиликда ишчи-хизматчиларнинг қўл меҳнати тубдан қисқаради. Одатда, бундай лойиҳа икки ярим, уч ойда бажарилар эди. Жума пахта тозалаш заво-

дида эса бунга бор-йўғи бир ярим ой вақт кетди. — Замонавий технологиялар ўрнатилиши билан корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган толаннинг сифат даражаси тубдан ўзгариб, электр энергияси ва бошқа коммунал харажатлар камайишига эришилади, — дея суҳбатга қўшилди Жума пахта тозалаш заводи акциядорлик жамияти бош муҳандиси Соҳиб Нурқулов. — Шунингдек, бу ерда марказлашган бошқарув тизими ҳам жорий этилди. Бу йил завод жамоаси 45 минг тонна пахтани қайта ишлашни режалаштиришган. Замонавий ускуналар билан бир кеча-кундузда 300-320 тонна пахта қайта ишланиб, 100 тонна тола тайёрланапти. Шунингдек, корхонада жаҳон бозорига жўнатиш учун тайёрланаётган толани қадоқлашнинг янги тартиби жорий этилди. — Эндиликда тола полестрол ленталар билан боғланган ҳолда, махсус елим халталарга солиниб қадоқланади ҳамда истеъмолчиларга жўнатилади, — дейди «Узқабель» қўшма корхонаси вакили Шомурод Сиддиқов. — Бунда аввало жаҳон бозорига жўнатилаётган толаннинг сифат даражаси ошади. Олдинлари ҳар бири 45-50 килограмм ҳажмдаги тола металл симлар билан боғланиб тойланапти. Бунда маҳсулотнинг таннархи ошади, албатта. Янги технологиянинг жорий этилиши туфайли жаҳон бозори талабларига тўла жавоб берадиган тола асосан юқори навларга қабул қилинмоқда. Бунинг устига толаннинг таннархи арзонлашди. Абдували ХУДОЙРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мижоз манфаатига хизмат қилиш асосий вазифамиз,

— дейди Давлат тижорат Халқ банкининг Навоий шаҳар филиали жамоаси

— Мижоз тушунчаси, хохиш-истаги жуда кўп нарсани ҳал қилади, — дейди Халқ банкининг Навоий вилоят филиали бошлиғи Азаматжон Ҳакимов.

— Ана шу шиорга амал қилганимиз банк жами мижозларимиз сонини кейинги икки йилда қарийб икки баравар оширишга, яъни 2400 та бўлишига эришдик. Бу борада ўтган йилни намунали яқунлаб, 125 миллион сўм соф фойда билан чиққан Навоий шаҳар филиалимиз олдинги тушадигани йўқ. «Мақтанганимиз уйига, керилганимиз тўйига бор», — деган нақлга амал қилиб, халқ банкининг шаҳар бўлимида бўлди. Филиал етакчиси Шерзод Шарипов билан бултурги шартномавий режалар якуни, даромад ва буромадлар таҳлил кўрсаткичи, жорий йил вазифачи борасида атрофлича суҳбатлашдик. Кейинги 1,5 йил мобайнида банкнинг мижозлар сони 214 тага етиб, жами активи эса 11 миллиард 498 миллион сўмни ташкил этибди.

Марказий банкининг Навоий вилоят бош бошқармаси бошлиғи Улугбек Раззоқов. — Филиал аҳолининг бўш маблағларини омонатларга жалб этишда ёки талбиркорларни ўзоқ муддатли кредитлар билан узлуксиз қўллаб-қувватлашдагина эмас, балки ёш оилаларга кредит ажратишда ёхуд талабаларга таълим кредитининг расмийлаштиришда доимо пешқадамлик қилиб келаяпти. Шу боис, филиаллар ва мини банклар орасида мунтазам равишда голиб, деб топилди, марказий банкининг диплом ва фахрий ёрлиқларига, эсдалик совғаларига сазовор бўлиб келмоқда.

— Банк билан яқин ҳамкорлик қилиб, асло тага қилмадим, — дейди «Эрудит» кичик корхонаси раҳбари Фуркат Ҳасанов. — Бир йил муқаддам шу филиалдан олган 150 миллион сўмлик ўзоқ муддатли кредит эвазига замонавий бежирим гиламлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Натижада, 30 нафар маҳаллий йигит-қиз ишли бўлди.

Насиб бўлса, Баркамол авлод йили охиригача корхонани янада кенгайтириб, қўшимча 10 нафар ёшга турғун иш ўринлари яратаман. — Ишбилармонликни нимадан бошласам экан, деб уйланиб юргандим, — дейди «Камила-Шарқ» хусусий корхонаси етакчиси Самандар Искандаров. — Халқ банкининг Навоий шаҳар филиали ёрдам берди. Банкдан олган 120 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига кийим-кечакларни кимёвий тозалаш асбоб-ускунаси ва энг замонавий технологияни сотиб олдим. Ҳозир илҳам корхонада 25 нафар ёш ишлаяпти.

— Назаримда, ўзингда ҳавас ва иштиёқ бўлса, банк ёрдамида кўп иш қилиш мумкин, — дейди «Италиана» ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Салима Эргашева. — Устозлар маддаҳатига амал қилиб, 50 миллион сўмлик кредит эвазига шаҳарда бинойидек мебель ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этдим. Асбоб-ускуналар Италияники бўлгани боис, корхона «Италиана» деб номланади. Ҳозир 28 та маҳаллий ёшлар билан ҳамкорликда ишлаб, хорижий сингари ўта

ноб мебеллар туркумини яратаяпмиз. Филиалнинг Ихтиёр Бозоров, Иззатилло Қудратов, Шерзод Алиев, Нафиса Орзиева, Гулшан Ҳасанова, Мэлис Тошев, Икром Қўнғирова ўхшаган малакали мутахассислари ҳозиржавоблиги, изланиши туфайли аҳолининг бўш маблағларини банкка жалб этиш йил сайин яхшиланмоқда. Шу боис ўтган йилнинг ўзида «Мураббий», «Орзу», «Қўқлам», «Олтин куз», «Қиш зийнати», «Сармоя плюс» каби ўнлаб омонат турларига 750 миллион сўмликдан зиёд маблағ келиб тушди. Хуллас, Халқ банкининг Навоий шаҳар филиали ўз мижозлари сонини ошириш билангина чегараланиб қолмасдан, иқтисодий ислохотларнинг, молиявий устуворликларнинг айтири барча йўналишларини тўла қамраб олмақда. Бу эса унинг даромад ва буромадига, филиалларо нуфузига ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.


Иқтисодиёт ва ислоҳот



Ободлик

ЯШИЛЛИК — ШАҲРИМИЗ КЎРКИ...

Пойтахти азим — Тошкентнинг қайси гўшасида бўлсангиз, файзу барокатнинг устидан чиқасиз, хиёбону боғлар, маҳаллау хонадонларда кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин. Бир қарашда, бу янгилик эмасдай. Халқимиз кўккам келиши билан кўча, майдон, ҳовлига дарахт ўтказган, гул эккан, боғ-роғларга шакл берган. Аммо бугунги ободончилик кечагидан тубдан фарқ қилади. Ободликни ҳар кунни, ҳар ким қилаяпти.



Зеро, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу кўтулғ юмушлар бошланганига анча бўлди. Шу муносабат билан шаҳар ва қишлоқларимизда янги-янги боғ-роғлар, кўркам хиёбонлар ва яшил ҳудудлар юзага келди. Бундай эзгу ишлар яхши аъёнага айланди.

Президент Ислам Каримов 2004 йилнинг 10 декабрида Мустақиллик майдонидagi ушан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, пойтахтимизда қилиниши лозим бўлган ишлар бўйича қимматли маслаҳат ва тавсиялар берди: «Ландшафт дизайнерлари ва кўкаламзорлаштириш бўйича мутахассислар маслаҳати асосида қарагай ва Тиёншон арчаси кўчатлари экиш, умуман, бу майдонни кўзни қувонтирадиган, одамларни ўзига тортадиган сўлим ва ушманзара масканга айлантиришимиз керак, — дея таъкидлайди. — Бир сўз билан айтганда, катта ҳаражат эмас, аввало, кунт ва ҳафса талаб қиладиган бундай ободончилик ишларини амалга ошириш ҳаммамиз учун бирдан-бир эзгу мақсадга айланганини истар эдим. Бунинг барчаси тарих саҳифаларидан ўрин оладиган савобли ишлар бўлиб қолишига шубҳа қилмайман...»

Орадан беш йилдан ортиқ вақт ўтди. Ҳозир ҳаёлан орта қарасак, пойтахтимиз Бош майдонда, марказий кўчалари, маҳаллау истироҳат боғларида қанчадан-қанча ободончилик ишлари қилинганга, яшил ҳудудлар яратилганга, улар янгича кўриниш ва қиёфа, узвийлик ва бир бутунлик касб этиб, яхлит ва мукамал бир ансамблини таш-

кил этганига гувоҳ бўламиз. Урдадаги Анҳор бўйини эсланг, унинг икки соҳилига ишлов берилиб, қанча игнабаргли дарахтлар экилди. Пойтахтимизни яшилликка буркаш, кўркам ва ораста холга келтириш йўлидаги эзгу юмушлар бир кун ҳам тингани йўқ.

Дарҳақиқат, элимиз кўтулғ ишлар қилишга қодир. Биз Наврўз айёми арафасида шаҳримизни обод этаятган инсонлар меҳнати билан танишдик. **Ботир ОРТИҚҲҲАЕВ, Тошкент шаҳар ҳокимияти Ободонлаштириш бош бошқармасининг кўкаламзорлаштириш бўлими бошлиғи:** — Ҳукуматимиз томонидан пойтахтимизнинг ландшафтига алоҳида аҳамият қаратиб келинади. Айниқса, кейинги йилларда маҳалла, кўча, хиёбон, ўқув юртлири, таълим муассасалари ҳудудларида жуда кўп манзарали дарахт кўчатлари экилди. Шунингдек, шаҳримизнинг рельефи боғдорчилик учун қулай, тупроғи тоза. Бир ниҳол эксанг, тутасан. Сиз бир тасаввур қилинг.

Ҳар йили 6-7 миллион туп мавсумий гуллар экилади. Бу йил эса 20 миллион туп гул кўчати экиш ниятимиз бор.

етиштириш билан шуғулланамиз. Маҳсулотларимизни асосан пойтахт Ободонлаштириш бош бошқармаси ва унинг бўлимлари харида қилади. Ҳозир яқка тартибдаги биуртмачиларга хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўяпмиз. Тошкент вилоятининг Зангиота ва шаҳримизнинг Собир Раҳимов, Чилонзор, Учтепа туманларида 15 гектардан ортиқ майдонда иссиқхоналаримиз бор, шундан 5 гектардан ошғига турли хил гул кўчатлари экилади. Бу йил 3 миллион тупдан ортиқ мавсумий гуллар ва 30 минг тупдан ортиқ манзарали ва бутасимон дарахт кўчатларини етиштиряпмиз.

Бундай микроклим инсон саломатлигини муҳофазалайди. Айниқса, асаб тизими, юқори нафас йўллари хасталикларидан сақлайди, кўриш қобилиятини оширади.

Юртимиз тинч, шаҳримиз борган сайн кўм-кўк дарахт, анвойи гуллар билан безанаяпти. Айтмоқчимизки, бизнинг маҳсулотларимизга талаб кўпаяпти. Биз ҳам шундай хайри ишдан четда турганимиз йўқ, баҳоли қудрат улуш кўшаяпти. Шу боис бу йил бултургидан 2-3 баравар кўп маҳсулот тайёрлашга ҳаракат қилаяпмиз. **Мақсадимиз — шаҳримиз яшил дарахту гулларга бурканси!** Халқда шундай нақл бор, эккани эмас, ўсгани, унганини санаш керак. Бир қарашда, ям-яшил хиёбонлар, кўчаларда чаппар уриб очилган гуллар ўз-ўзидан яшнаб ётгандек. Аслида, ундай эмас. Ҳар бир ниҳол, ҳар бир туп гул меҳр-парварши талаб этади. Теварак-атрофимизни қуршаб турган яшиллик инсоннинг меҳнати туфайли. У туман ободончилик бошқармаси агрономлари томонидан назорат қилинади, улдуксиз мониторинг олиб борилади.

Юртимиз тинч, шаҳримиз борган сайн кўм-кўк дарахт, анвойи гуллар билан безанаяпти. Айтмоқчимизки, бизнинг маҳсулотларимизга талаб кўпаяпти. Биз ҳам шундай хайри ишдан четда турганимиз йўқ, баҳоли қудрат улуш кўшаяпти. Шу боис бу йил бултургидан 2-3 баравар кўп маҳсулот тайёрлашга ҳаракат қилаяпмиз. **Мақсадимиз — шаҳримиз яшил дарахту гулларга бурканси!** Халқда шундай нақл бор, эккани эмас, ўсгани, унганини санаш керак. Бир қарашда, ям-яшил хиёбонлар, кўчаларда чаппар уриб очилган гуллар ўз-ўзидан яшнаб ётгандек. Аслида, ундай эмас. Ҳар бир ниҳол, ҳар бир туп гул меҳр-парварши талаб этади. Теварак-атрофимизни қуршаб турган яшиллик инсоннинг меҳнати туфайли. У туман ободончилик бошқармаси агрономлари томонидан назорат қилинади, улдуксиз мониторинг олиб борилади.

Эътироф



Аюб ОДИШО: Сизларга ҳавасим келди

Футбол бўйича ОФК кубоги баҳсларида илк маротаба Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган Қаршининг «Насаф» футболчилари ўз майдонда Суриянинг «Ал-Жаиш» жамоасини 2:1 ҳисобида ютишди. Учрашувдан сўнг меҳмонлар бош мурабийси ироқлик Аюб Одишо Дарчам билан суҳбатлашдик.

ларни сўз билан ифодалаш қийин. Бу ердаги ўзгаришларни, бунёдкорликларни кўриб, худди Ўзбекистонга биринчи марта келгандек ҳаяжонландим. Биргина футбол соҳасини олайлик. Очиги, рақибимиз — «Насаф» футбол жамоаси ҳақида кўп маълумотга эга эмасдик. Қаршиликларнинг Ли-ванд «Ал-Аҳад» футболчилари билан ўтказган ўйини видео ёзуви билан танишгандик, холос. Бу ерга келиб, замонавий ва муҳташам стадионлар, ўнлаб яшил майдонларни кўриб, очиги, ҳавасим келди. Ҳукуматингиз футболни, айниқса, болалар футболини ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганлигини айтиш, футболнинг келажаги порлоқлигига ишонч ҳосил қилдим. Тўғри, жамоамиз «Насаф» футболчиларига имкониятни бой берди. Аммо бундан жуда каттиқ ранжиганам йўқ. Чунки миллионлар ўйинини яна-

Мулоҳаза

Дунёда шакарқамишнинг 15 тури мавжуд. У кўп йиллик ўсимлик бўлиб, тез ўсувчанлиги билан ажралиб туради. Бўйи 2-2,5 метр, тропик мамлакатларда эса 4-6 метргача етади. Унинг нави, худуди, агротехник ишлови ҳамда йиғиб олиш вақтига қараб, ширасидан шакар олинади.



Иссиқсевар шакарқамиш эрта баҳорда экилади. Бир гектар ерга 25-50 минг дона қаламча ёки 3-3,5 тоннагача уруғ кетади. Уртача ҳосилдорлик гектарига 500-600 центнерни ташкил этади. Қанд миқдори эса 5-20 фоизга етади. Мавсумда 16-17 марта сугорилсади ҳамда сентябрь-октябрь ойларида йиғиштириб олинади. Қайта ишлаш натижасида 1 тонна паядан 30-40 килога қонни юқори навли шакар олиш мумкин...

Шакарқамиш мамлакатимизда дастлаб 1938-1941 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов ва Олтинсой туманларида экилган. 1941 йилдан эса тўлиқ илмий кузатуви ишлари олиб борилган ва талай навлар ўрганилган. Ушбу ҳудудларда ҳосилдорлик юқори, шарбати сифатли бўлган...

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси «Ўзбек мумтоз адабиёти» кафедраси доценти Тожикон Собитовага онаси **Умрхон ая Саидқози** қизининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг мақсадли, пул-буюм ютуқли, тиражли лотереясининг IV чиқариши бўйича ютуқлар тиражи 2009 йил 25 декабрь кунини Самарқанд шаҳрида ўтказилган эди. Лотереянинг IV чиқарилиши ютуқлар тиражи якунига кўра, Халқ банкининг барча муассасалари томонидан пул ва буюм ютуқли лотерея билетлари узлуксиз равишда тўловга ҳамда экспертизадан ўтказиш учун қабул қилинмоқда. **Мазкур лотереянинг шарт қоидаларига асосан ютуқли лотерея билетлари 2010 йилнинг 29 мартига қадар қабул қилинишини маълум қиламиз. Ушбу муддатга қадар банкка тақдим этилмаган ютуқли билетлари ўз кучини йўқотади ва қайд этилган санадан сўнг тўловга қабул қилинмайди.**

**ШОШИЛИНГ! ЮТУҚЛАР ЎЗ ЭГАЛАРИНИ КУТМОҚДА!**

**BOSH MUHARRIR:**  
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY'ATI:**  
Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Asliddin RUSTAMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'afur HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muslihiiddin MUHIDDINOV  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

**BO'LIMLARI:**  
Partiya hayoti 233-10-13  
Madaniyat va sport 233-69-45

**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot**  
233-20-36, 233-44-55  
**Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot**  
233-12-56  
**Reklama va e'lonlar**  
233-38-55, 233-47-80  
**Mas'ul kotib**  
233-72-83, 236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**  
**Andijonda** — 25-32-70  
**Buxoroda** — 223-06-02  
**Gulistonda** — 25-46-45  
**Jizzaxda** — 227-48-35  
**Navoiyda** — 223-83-73  
**Namanganda** — 226-43-81  
**Nukusda** — 222-77-21  
**Samarqandda** — 35-02-55  
**Urganchda** — 517-30-58  
**Farg'onada** — 224-18-78  
**Demovda** — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**  
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi:  
**Bardambek SA'DULLAYEV**

**Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teridil va sahifalandi.**

Sahifalovchi-dasturchilar:  
**Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta «O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta senhanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyot ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
Г — 249  
16312 nusxada bosildi  
T — Tijorat materiallari  
ISSN 2010-7633  
O'Z yakuni — 20.10  
Topshirilgan vaqti — 23.10  
2 3 4 5  
Sotuvda erkin narxda